

ЭКОЛОГИЯ, ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ВА ИҚЛИМНИНГ ЎЗГАРИШИ СОҲАСИДАГИ "ЎЗКИМЁСАНОАТ" АЖ СИЁСАТИ

<https://uzkemyosanoat.uz/uz/activities/ecology/ekologiya-tabiyy-resurslardan-oqilona-foydalanish-va-iqlimning-o-zgarishi-sohasidagi-o-zkimyosanoat-aj-siyosati>

"Ўзкимёсаноат" АЖ давлат қонун ҳужжатлари ва интеграллашган менежмент тизими бўйича ISO 14001 халқаро стандартлари, шунингдек, ESG барқарор ривожланиш стратегияси тамойилларига таянади ва уларга амал қиласди.

Компания қўйидаги йўналишларга қаратилган экологик сиёсат юритади:

- атроф-муҳитга салбий таъсирни минимал даражага тушириш, жумладан:
- атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарилишини камайтириш;
- Оқова сувлар ташламаларни камайтириш;
- тармоқ корхоналари фаолияти натижасида ҳосил бўлган чиқиндилар ҳажмини камайтириш;
- чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилиш ҳажмини ошириш, кам чиқиндили ва "яшил" технологияларни босқичма-босқич жорий этиш;
- иқлим ўзгаришига олиб келувчи иссиқхона газлари чиқарилишини камайтириш;
- "яшил" технологияларни ва ишлаб чиқариш жараёнларини жорий этиш;
- муқобил энергия манбалари ва бошқа ресурслардан фойдаланиш;
- иссиқхона газларининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтиришга қаратилган ҳисоб-китоб методологиялари ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
- энергия сарфи кам ва атроф-муҳитга таъсири минимал бўлган, халқаро талабларга жавоб берадиган ишлаб чиқариш линияларини модернизация қилиш;
- табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларига ўтиш;
- экологик фаолиятни яхшилаш мақсадида стратегияни доимий равишда такомиллаштириш;
- ходимларнинг ўз соҳаларидаги малакасини доимий равишда ошириш;
- барча хўжалик фаолият йўналишлари бўйича ҳокимиятлар, назорат органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;
- инновацион ёндашувлар, маҳсулот ишлаб чиқаришдаги янгиликлар ва самарали иш усусларини ишлаб чиқиша иштирок этган ходимларни рағбатлантириш орқали уларнинг малакасини оширишни таъминлаш;
- энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, муқобил /қайта тикланувчи энергия манбаларига ўтиш имкониятларини ўрганишни таъминлаш.